


**“Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасини янги тахрирда тасдиқлаш**

Кун тартибидаги биринчи масаласи бўйича банк ташкилий тузилмасини ОТП гуруҳи амалиёти ва ташкилий тузилмасига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар таклиф этилган. Хусусан, Кузатув кенгаши ва Бошқарув ҳузуридаги қўмиталар фаолияти қайта ташкил этилиши, айрим фаолият йўналишлари оптималлаштирилиши (масалан, Давлат дастурлари блоки фаолияти Корпоратив банкинг блоки билан уйғунлаштирилади), янги алоҳида йўналиш – ИТ блоки ташкил этилиши ва бошқа ўзгартиришларни жорий этиш назарда тутилган (ташкилий тузилма илова қилинмоқда).

Қайд этиш лозимки, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари доирасига киради.

Масала тасдиқлаш учун тақдим этилади.



\*Risk Block and Compliance Directorate are functionally subordinate to the Supervisory Board of the bank, structurally - to the CEO of the bank

**“Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар  
киритишни тасдиқлаш**

Банкнинг йирик акциядори – ОТП банк 2023 йил 9 октябрдаги хати билан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддаси ва банк уставига мувофиқ, Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш бўйича янги номзодларни таклиф этган.

Қайд этиш лозимки, “Ипотека-банк” АТИБ уставига асосан Кузатув кенгаши таркиби тўққиз нафар аъзодан иборат ва бугунги кунда бирта вакант жой мавжуд.

Йирик акциядор томонидан Елена Ладигина (Yelena Ladyguina) ва Марко Вольц (Marco Voljc) номзодлари Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзо сифатида тасдиқлаш учун киритилган.

Тақдим этилган номзодлар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низоми (рўйхат рақами 3252-сон, 2020 йил 30 июнь) талабларига мувофиқлиги нуктаи назаридан кўриб чиқилган. Бунда, номзодларнинг академик маълумоти, иш тажрибаси ва бошқа тегишли маълумотлари баҳоланган ҳолда, номзодларнинг қонунчилик ҳужжатлари талаблари ва белгиланган мезонларга мувофиқлиги хусусида ижобий хулосага келинган (номзодларга оид маълумотлар илова қилинмоқда).

Банк Кузатув кенгаши ушбу масалани маъқуллаб, 2023 йил 13 октябрдаги 23-сон қарор қабул қилган.

Қонунчиликка мувофиқ ушбу масала бўйича кумулятив овоз берилади.



**МАЪЛУМОТНОМА**  
**Ладигина Елена Васильевна**

2021 йилдан: YVL Ltd. эгаси ва директори

**Туғилган йили:**  
14.08.1961 йил

**Туғилган жойи:**  
Керч ш. Украина

**Фуқаролик:**  
Буюк Британия, Россия

**Партиявийлиги:**  
йўқ

**Маълумоти:**  
Олий

**Тамомлаган:**  
Днепропетровск университети, Украина,  
City University, Business School, Буюк  
Британия

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:**

Амалий математика, Математик савдо ва  
молия

**Илмий даража:**  
йўқ

**Илмий унвони:**  
йўқ

**Давлат мукофотлари:**  
йўқ

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):**  
тақдирланмаган

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):** йўқ

**МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ**

2021й. – ҳ.в.қадар	YVL Ltd., эгаси ва директори
2014–2020йй.	«АльфаСтрахование», бош директорининг рисклар бўйича маслаҳатчиси
2013-2014йй.	«Связной Банк», бош директорининг рисклар бўйича маслаҳатчиси
2007-2013йй.	HCF Bank, CRO
2003-2007йй.	ARCh Capital Group, корпоратив рискларини бошқариш бўлими бошлиғи
1996-2003йй.	GE Capital Services, Риск менеджери, Риск раҳбари
1991-1994йй.	Украина давлат кимиё-технология университети, ўқитувчи
1983-1988йй.	ITM, Украина Фанлар академияси, тадқиқотчи

## МАЪЛУМОТНОМА

**Марко Вольц**



2019 йилдан: “Kylin Prime Group” AG - битимлар бўйича маслаҳатчи, консултант

**Туғилган йили:**  
05.12.1949 йил

**Туғилган жойи:**  
Словения, Есенице ш.

**Фуқаролик:**  
Словения

**Партиявийлиги:**  
йўқ

**Маълумоти:**  
Олий

**Тамомлаган:**  
Белград университети,  
Любляна университети

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:**

Пул иқтисодиёти

**Илмий даража:**  
Иқтисодиёт магистри

**Илмий унвони:**  
йўқ

**Давлат мукофотлари:**  
йўқ

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):**  
тақдирланмаган

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):** йўқ

## МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

2019 й. – х.в.кадар	“Kylin Prime Group” AG - битимлар бўйича маслаҳатчи, консултант (Швейцария)
2019 йил	Sofgen / Teck Mahindra - битимлар бўйича маслаҳатчи, консултант (Швейцария, Хидистон)
2018-2020 йй.	Apollo Private Equity - битимлар бўйича маслаҳатчи (АҚШ)
2017-2017 йй.	Wamex Private Equity- Кузатув кенгаши ва инвестициялар қўмитаси аъзоси (Мексика, Мехико ш.).
2015-2017 йй.	Human Resources & Management Consulting - Менеджер (Словения, Любляна ш.).
2015-2015 йй.	Advent International Corporation - битимлар бўйича маслаҳатчи (АҚШ, Бостон ш.)
2004-2014 йй.	“КВС” Group - Марказий Европа бошқармаси бош директори, Бош директор, худудий менежер, худудий бошқарув раиси, Бош директор, Марказий-Шарқий Европа ва Россия, гуруҳ бошқаруви аъзоси, Корпоратив ўзгаришлар ва қўллаб-қувватлаш бўйича директор, гуруҳ бошқаруви аъзоси (Бельгия, Брюсель ш.).
1992-2004 йй.	Nova Ljubljanska Banka – NLB d.d.- бош директори ва бошқарув раиси (Словения, Любляна ш.).

1979-1992 йй.	<b>Жахон банки</b> - Лотин Америкаси саноат ривожланиши ва молия бўлими, Хитой саноати бўлими, Марказий Америка ва Панама дастурлари бўлими, Мексикадаги доимий ваколатхона, - иқтисодчи, бўлим бошлиғи, миссия раҳбари (АҚШ, Вашингтон ш.).
1976-1979 йй.	National Bank of Slovenia - Таҳлил бўлими раҳбари (Словения, Любляна ш.).

**“Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви таркибига ўзгартиришлар  
киритишни тасдиқлаш**

Банкнинг йирик акциядори – ОТП банк 2023 йил 9 октябрдаги хати билан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддаси ва банк уставига мувофиқ, банк Бошқаруви таркибига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни киритган.

Хусусан, “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси ўринбосари, Корпоратив банкинг ва бозор инструментлари блоки раҳбари лавозимига тасдиқлаб, Бошқарув аъзолигига киритиш учун Умиджон Абдухаликович Хакимовнинг номзоди кўрсатилган. Шунингдек, Фаррух Маннонович Ботировни мазкур лавозимдан озод этиб, Бошқарув таркибидан чиқариш сўралган.

Банк таркибий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришларни инобатга олиб, “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси ўринбосари, Давлат дастурлари ва ҳудудлардаги лойиҳалар блоки раҳбари Джура Исмоилович Зулфукаровни лавозимидан озод этиш таклиф этилган.

Айни вақтда, Умиджон Абдухаликович Хакимовнинг номзоди “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низоми (рўйхат рақами 3252-сон, 2020 йил 30 июнь) талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Бунда, номзоднинг академик маълумоти, иш тажрибаси ва бошқа тегишли маълумотлари баҳоланган ҳолда, унинг қонунчилик ҳужжатлари талаблари ва белгиланган мезонларга мувофиқлиги хусусида ижобий хулосага келинган (номзодга оид маълумотлар илова қилинмоқда).

# МАЪЛУМОТНОМА

## Хақимов Умиджон Абдухаликович



2023 йил 17 августдан: Бошқарув раиси маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

**Туғилган йили:**  
05.04.1971 й.

**Миллати:**  
Ўзбек

**Маълумоти:**  
Бакалавр  
Магистр

**Маълумоти бўйича мутахассислиги:**

**Илмий даражаси:**  
Йўқ

**Қайси чет тилларини билади:**  
рус тили (эркин)  
инглиз тили (эркин)

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):**  
тақдирланмаган

**Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**  
сайланмаган

**Туғилган жойи:**  
Тошкент шаҳри

**Партиявийлиги:**  
Партиясиз

**Тамомлаган:**  
1997 й. Тошкент Давлат университети  
2002 й. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети  
2011 й. Лондон бизнес мактаби

Бизнес бошқаруви  
Даволаш иши  
Банк иши  
Бизнес бошқаруви

**Илмий унвони:**  
Йўқ

## МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

**10.1996 - 08.1999 йй.** Республика Бизнес инкубатори миллий эксперти

**11.1999 - 12.1999 йй.** "Ипак Йўли" АИТБ Қимматбаҳо қоғозлар ва пул бозори бўлими 1-тоифали мутахассиси

**12.1999 - 04.2000 йй.** "Ипак Йўли" АИТБ Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўлими 1-тоифали мутахассиси

**04.2000 - 11.2000 йй.** "Ипак Йўли" АИТБ Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўлими етакчи мутахассиси

**11.2000 - 04.2001 йй.** "Ипак Йўли" АИТБ Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш бўлими бош мутахассиси

**04.2001 - 12.2001 йй.** "Ипак Йўли" АИТБ Микрокредитлаш бўлими бошлиғи

**12.2001 - 12.2003 йй.** Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодиёт Вазирлиги қошидаги Дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси Ўзбекистондаги "Джетро" Япония Ташқи савдо Ривожланиш ташкилоти ваколатхонаси мутахассиси

**12.2003 - 02.2005 йй.** "Ипак Йўли" АИТБ Кредитлаш бошқармаси Кредитлаш бўлими бошлиғи

**02.2005 - 04.2006 йй.** "Ипак Йўли" АИТБ Маркетинг ва мижозлар сиёсати бўлими бошлиғи

**04.2006 - 10.2006 йй.** "Ипак Йўли" АИТБ Маркетинг ва халқаро молиявий институтлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи



**11.2006 - 02.2007 йй.** АБН АМРО БАНК НБ Узбекистан АЖ Бизнесни ривожлантириш бўйича менежер-Бош бошқарувчи ўринбосари

**02.2007 - 11.2008 йй.** АБН АМРО БАНК НБ Узбекистан АЖ Корпоратив Бошқарув бошлиғи-Бошқарув Раиси ўринбосари

**11.2008 - 11.2011 йй.** "RBS NB Uzbekistan CYSC" Корпоратив Бошқарув бошлиғи-Бошқарув Раиси ўринбосари

**11.2011 - 01.2012 йй.** "ASIA ALLIANCE BANK" ХОАТБ Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари в.б.

**01.2012 - 01.2012 йй.** "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари

**01.2012 - 09.2014 йй.** "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари

**09.2014 - 10.2021 йй.** "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари

**10.2021 - 06.2023 йй.** "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Бошқарув Раиси в.б.

**08.2023 - ҳ.в.қ.** "Ипотека-банк" АТИБ - Бошқарув раиси маслаҳатчиси

**“Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар  
киритишни тасдиқлаш**

Банкнинг йирик акциядори – ОТП банк 2023 йил 9 октябрдаги хати билан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддаси ва банк уставига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва ОТП банк ўртасида тузилган 2022 йил 12 декабрдаги Битимга асосан банкда амалга оширилаётган таркибий ўзгартиришларни инобатга олиб, банкнинг Уставига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни таклиф этган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддасига мувофиқ, жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатлари доирасига киради.

Шу муносабат билан банк Кузатув кенгаши, мазкур Қонуннинг 65-моддасига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб, кун тартибига “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш масаласини киритиш бўйича қарор қабул қилган (2023 йил 13 октябрдаги 23-сон).

Банк уставига киритилаётган ўзгартишлар ва қўшимчалар илова қилинмоқда.

**“IPOTEKA-BANK” ATIB USTAVIGA KIRITILAYOTGAN O’ZGARTISHLAR VA  
QO’SHIMCHALAR**

<b>Clause</b>	<b>Current edition</b>	<b>Proposed edition</b>
1.4	OTP Bank Plc. (hereinafter referred to as “OTP”) is a shareholder of the Bank pursuant to Share Sale and Purchase Agreement concluded between the State Shareholder and OTP.	OTP Bank Plc. is a shareholder of the Bank pursuant to Share Sale and Purchase Agreement concluded between the State Shareholder and OTP. <b>OTP Bank Plc. (hereinafter referred to as “OTP”) is a company duly incorporated and validly existing under the laws of Hungary and the European Union.</b>
	OTP Bank Plc. (keyingi o’rinlarda “OTP” deb yuritiladi) Davlat aksiyadori va OTP o’rtasida tuzilgan Aksiya olish sotish shartnomasiga asosan Bankning aksiyadori hisoblanadi.	OTP Bank Plc. Davlat aksiyadori va OTP o’rtasida tuzilgan Aksiya olish sotish shartnomasiga asosan Bankning aksiyadori hisoblanadi. <b>OTP Bank Plc. (keyingi o’rinlarda “OTP” deb yuritiladi) Vengriya va Yevropa Ittifoqi qonunlariga muvofiq tashkil etilgan va faoliyat ko’rsatuvchi kompaniya hisoblanadi.</b>
13.3.9.	appointment of a corporate consultant and approval of the regulation governing the procedure for its activities;	Deleted
	korporativ maslahatchini tayinlash va uning faoliyati tartibini belgilovchi nizomni tasdiqlash;	Chiqarib tashlandi
14.3.	The Management Board shall consist of <b>10 (ten)</b> members, nominated by a shareholder as specified in section 14.4. and elected by the General Meeting.	The Management Board shall consist of <b>9 (nine)</b> members, nominated by a shareholder as specified in section 14.4. and elected by the General Meeting.
	Bank boshqaruvi a’zolarining soni <b>10 (o’n)</b> nafarni tashkil etib, ularning nomzodi 14.4-bandda keltirilgan tartibda tegishli aksiyador tomonidan taklif etiladi va ular aksiyadorlarning umumiy yig’ilishi tomonidan saylanadilar.	Bank boshqaruvi a’zolarining soni <b>9 (to’qqiz)</b> nafarni tashkil etib, ularning nomzodi 14.4-bandda keltirilgan tartibda tegishli aksiyador tomonidan taklif etiladi va ular aksiyadorlarning umumiy yig’ilishi tomonidan saylanadilar.
14.4.3.	one (1) member of the Management Board shall be the head of division of the Bank responsible for internal control and compliance (or a substitute division), as required by legislation, nominated by the Chairman of the Management Board.	Deleted

	Bank boshqaruvining (1) bir nafar a'zosi, gonunchilik talablariga asosan, ichki nazorat va komplaensga mas'ul bo'lgan Bank tarkibiy bo'linmasi (yoki uning o'rini bosadigan Bank tarkibiy bolinmasi) raxbari bolishi lozim, va uning nomzodi Bank boshqaruvi raisi tomonidan taklif gilinadi.	Chiqarib tashlandi
14.12	In accordance with the present Charter and with the current legislation, labor agreements with employees of the Bank shall be concluded by the Chairman of the Management Board, and labor agreements with employees of branches of the Bank shall be concluded by heads of branches of the Bank.	In accordance with the present Charter and with the current legislation, labor agreements with employees of the Bank shall be concluded by the Chairman of the Management Board, and labor agreements with employees of branches of the Bank shall be concluded by heads of branches of the Bank. <b>This authority of the Chairman of the Management Board may be delegated to one of the deputy Chairman of the Management Board on the basis of a power of attorney.</b>
	Mazkur Ustavga va amaldagi qonunchilikga muvofiq Bank xodimlari bilan mehnat shartnomasini Bank boshqaruvi raisi, bank filiallari xodimlari bilan Bank filiallarining rahbarlari tuzadilar.	Mazkur Ustavga va amaldagi qonunchilikga muvofiq Bank xodimlari bilan mehnat shartnomasini Bank boshqaruvi raisi, bank filiallari xodimlari bilan Bank filiallarining rahbarlari tuzadilar. <b>Bank boshqaruvi raisining ushbu vakolati ishonchnoma asosida boshqaruv raisining o'rinbosarlaridan biriga berilishi mumkin.</b>
14.26	In the absence of the Chairman of the Management Boards his/her competences, except those specified in section 14.21.6 of this Charter, may be delegated to the Deputy Chairman of the Management Board (in case if the Chairman is absent at work, the Deputy Chairman to whom the duties of the first Deputy Chairman of the Management Board are assigned, such Deputy acts as the Chairman of the Management Board). <del>In the absence of the Chairman of the Management Boards his/her competences, except those specified in section 14.21.6 of this Charter, may be delegated to the Deputy Chairman of the Management Board (in case if the Chairman is absent at work, the Deputy Chairman to whom the duties of the first Deputy Chairman of the Management Board</del>	In the absence of the Chairman of the Management Boards his/her competences, except those specified in section 14.22.6 of this Charter, shall be delegated to one of the deputy Chairman of the Management Board on the basis of the power of attorney.

	<p><del>are assigned, such Deputy acts as the Chairman of the Management Board).</del></p> <p>During the absence of the Chairman of the Management Board, the temporary performance of his duties may be assigned to other deputies of the Chairman of Management Board by the order of the Chairman of the Management Board.</p>	
	<p>Bank boshqaruvi raisi ishda bo‘lmagan vaqtda uning vakolatlarini Bank boshqaruvi raisining birinchi o‘rinbosari (u ham ishda bo‘lmasa vazifalar taqsimoti bo‘yicha boshqaruv raisining birinchi o‘rinbosari vazifalari yuklatilgan rais o‘rinbosari) amalga oshiradi, ushbu Ustavning 14.21.6-bandida ko‘rsatilgan vakolatlardan tashqari. Bank boshqaruvi raisi ishda bo‘lmagan davrda uning vazifasini vaqtincha bajarish Bank boshqaruvi raisining buyrug‘i bilan boshqaruv raisining boshqa o‘rinbosarlariga ham yuklatilishi mumkin.<del>Bank boshqaruvi raisi ishda bo‘lmagan davrda uning vazifasini vaqtincha bajarish Bank boshqaruvi raisining buyrug‘i bilan boshqaruv raisining boshqa o‘rinbosarlariga ham yuklatilishi mumkin. Bank boshqaruvi raisi ishda bo‘lmagan davrda uning vazifasini vaqtincha bajarish Bank boshqaruvi raisining buyrug‘i bilan boshqaruv raisining boshqa o‘rinbosarlariga ham yuklatilishi mumki</del></p>	<p><u>Bank boshqaruvi raisi ishda bo‘lmagan vaqtda uning vakolatlarini, ushbu Ustavning 14.22.6-bandida ko‘rsatilgan vakolatlardan tashqari, ishonchnoma asosida Bank boshqaruvi raisining o‘rinbosarlaridan biriga beriladi.</u></p>
21	BANK’S CORPORATE CONSULTANT	Deleted
	BANK KORPORATIV MASLAHATCHISI	Chiqarib tashlandi

**“Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш**

Банкнинг йирик акциядори – ОТП банк 2023 йил 9 октябрдаги хати билан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддаси ва банк уставига мувофиқ, “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритишни таклиф этган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддасига мувофиқ, мазкур масалани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш банк акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатлари доирасига киради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Кузатув кенгаши, банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб, кун тартибига “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш масаласини киритиш бўйича қарор қабул қилган (2023 йил 13 октябрдаги 23-сон).

Мазкур низомга киритилаётган ўзгартишлар илова қилинмоқда.

<p><b>Amendments to the Regulation on the Supervisory Board of JSCMB "Ipoteka-bank"</b></p>	<p><b>"Ipoteka-bank" ATIBning Kuzatuv kengashi to'g'risidagi Nizomiga o'zgartirishlar</b></p>
<p><b>1. Amend clause 1.1 and state in the following terms:</b></p>	<p><b>1. 1.1-band quyidagi tahrirda bayon qilinsin:</b></p>
<p>“1.1. This Regulation is based on the Laws of the Republic of Uzbekistan "On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights" and "On Banks and Banking", and other legislation, as well as the Corporate Governance Code and the Charter of JSCMB "Ipoteka-bank" (hereinafter referred to as "Bank").”.</p>	<p>1.1. Ushbu Nizom “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunlari va boshqa qonun hujjatlariga, shuningdek Korporativ boshqaruv kodeksi hamda “Ipoteka-bank” ATIB (keyingi o‘rinlarda “Bank”) ustaviga muvofiq ishlab chiqilgan.</p>
<p><b>2. Delete clauses 2.3.9, 2.6, 4.5, 9.3.</b></p>	<p><b>2. 2.3-bandning 9-kichik bandi, 2.6, 4.5, 9.3-bandlar chiqarib tashlansin.</b></p>
<p><b>3. Amend clause 4.10 and state in the following terms:</b></p>	<p><b>3. 4.10-band quyidagi tahrirda bayon qilinsin:</b></p>
<p>“4.10. In order to ensure effective regulation and control of important areas of the Bank's activities, the Bank can organize committees formed from the members of the Board (Audit Committee; Ethics and Anti-Corruption Committee; Risks, Related Party and Major Transactions Committee; Remuneration Committee; Nomination Committee and etc.)”.</p>	<p>“4.10. Bank kengashi huzurida, bank faoliyatining muhim yo‘nalishlarini samarali tartibga solish va nazorat qilishni ta‘minlash maqsadida, tarkibi Bank kengashi a‘zolaridan shakllantiriluvchi qo‘mitalar (Audit qo‘mitasi; Etika va korrupsiyaga qarshi kurash qo‘mitasi; Tavakkalchiliklarni boshqarish, manfaatdorlik bitimlari va yirik bitimlar qo‘mitasi; Mukofotlash qo‘mitasi; Nomzodlar ko‘rsatish qo‘mitasi va hokazo) tashkil etilishi mumkin.”.</p>
<p><b>4. Amend clause 6.14 and state in the following terms:</b></p>	<p><b>4. 6.14-band quyidagi tahrirda bayon qilinsin:</b></p>
<p>“6.14. The meetings of the Bank's Board shall be chaired by the secretary of the SB, who shall be responsible for the correctness of the minutes of the meeting.”.</p>	<p>“6.14. Bank kengashining majlislariga Bank kengashi kotibi kotiblik qiladi va u majlis bayonlarining to‘g‘ri rasmiylashtirilishi uchun javobgar hisoblanadi.”.</p>

## **“Ипотека-банк” АТИБ устав капиталини кўпайтириш ва қўшимча акциялар чиқаришни тасдиқлаш**

Банкнинг йирик акциядори – ОТП банк 2023 йил 9 октябрдаги мурожаати билан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддаси ва банк уставига мувофиқ, банк устав капиталини кўпайтириш ва қўшимча акциялар чиқаришни тасдиқлаш.

Бунда, “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг (кейинги ўринларда – Банк) номинал қиймати 1 сўм бўлган 844 633 300 000 дона умумий қиймати 844 633 300 000 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги 21-қўшимча чиқарилаётган акцияларини жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қуйидагича белгиланмоқда:

1) Чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна усули билан Банк акциядорларининг имтиёзли равишда олиш ҳуқуқи қўлланилган ҳолда, ОТП Bank Nyrt.ga жойлаштирилади.

2) Ушбу чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) календарь куни давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи тўғрисидаги билдиришнома қонунчиликка мувофиқ эълон қилиниб, акциядорларнинг чиқарилаётган акцияларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги биринчи кун. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кундан ошмаслиги лозим.

3) Ушбу чиқарилишдаги акциялар уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.



Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагунига қадар чиқарилаётган акциялар имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштирилмайди.

Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин қолган акциялар OTP Bank Nyrt.га жойлаштирилади.

4) Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

Акциядор ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банк акцияларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати қарор қабул қилинган кун ҳолатига шакллантирилган Банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида оммавий ахборот воситаларида билдиришномани эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни олишни таклиф этади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка (Банкнинг Бош офиси, филиаллари ёки банк хизматлари офислари (марказлари) орқали) тақдим этилиши керак.

Акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

5) Чиқарилаётган акциялар номинал қиймати бўйича 1 (бир) сўмдан жойлаштирилади.

б) Акциялар учун тўловлар миллий валютада фақат пул маблағлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда ОTR Bank Nyrt. томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, акциялар учун тўланган пул маблағлари қабул қилинади ва ушбу маблағлар Банкнинг тегишли ҳисобварақларида ҳисоби юритилади.

7) Чиқарилаётган акцияларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилганда, ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот Банкнинг веб-сайтида, корпоратив ахборот ягона порталида ҳамда “Тошкент” Республика фонд биржаси веб-сайтида ўрнатилган тартибда эълон қилинади.

Акциялар учун тўланган маблағлар акциядорнинг аризасида кўрсатилган банклардаги ҳисоб рақамларига ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун давомида тўлиқ ўтказиб берилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва банк уставига мувофиқ банк устав капиталини кўпайтириш ва кўшимча акциялар чиқаришни тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатлари доирасига киради.

Масала тасдиқлаш учун тақдим этилади.